

ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR

info@bestarticle.uz

<https://sites.google.com/view/imxu/>

**BEST ARTICLE
RESPUBLIKA ILMIY –
ONLAYN
KONFERENSIYASI
2022**

Кўчимлар шеърятда турли усул ва воситалар билан юзага келиш хусусиятлари

Тўхтамурод Абдуллаевич Ражабов

Бухоро давлат университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Кўчимлар шеърятда сўз туркумларининг ўзаро ўринлари алмашилиб қилини орқали ҳам юзага келиши мумкин. Кўчимнинг қўшимчага кўчиши мазмун ва шакл ҳақидаги қарашларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Тасвирий ифодалар – предмет, воқеа ва ҳодисаларини ўз номи билан эмасалан балки уларнинг характерли белги хусусиятларини тасвирий ифодалаш жараёнидир. Фақатгина маълум гуруҳ ҳамда маълум бир ҳудуд доирасидагина қўлланиб, умумхалқ тилига хос бўлмаган сўзлар чегараланган сўзлар дейлади. Бундай сўзлар қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

Таянч тушунчалар: Кўчим, образ, шахс-сон, тасвирий ифода, умумхалқ тили, диалектизмлар, социал чегараланган сўзлар, арго, жарго

ANNOTATSIYA

Movements can also occur through the interchangeability of word groups in poetry. Moving to the appendix also has an impact on perceptions of content and form. Descriptive expressions are the process of figurative expression of objects,

ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR

info@bestarticle.uz

<https://sites.google.com/view/imxu/>

**BEST ARTICLE
RESPUBLIKA ILMIY –
ONLAYN
KONFERENSIYASI
2022**

events and phenomena, not by their names, but by their characteristic features. Words that are used only within a certain group and within a certain territory and are not specific to the vernacular are called restricted words. Such words can be divided into the following groups.

Basic concepts: Migration, image, personality, figurative expression, vernacular, dialectisms, socially limited words, slang, slang

Худудий чегараланган сўзлар (диалектизмлар).

Социал чегараланган сўзлар.

Кўчимлар шеърятда сўз туркумларининг ўзаро ўринлари алмашилиб қолиши орқали ҳам юзага келиши мумкин. Масалан от сўз туркумидаги бир сўз ўзи ифодаланиши керак бўлган тушунчани бошқа бир сўзга кўчириши орқали кўчим ҳосил бўлиши мумкин. Бу жараёнда биттагина кўшимча лексема бутун бошли бир образга айланиб унинг мазмуний моҳиятини шеър давомида бирга тортиши мумкин. Бу жараёнда образнинг намоён бўлиши ва унинг ўқувчи онгида яшаш шакли, ўзи ифодалаётган тушунча билан яхлитлик касб этиши ва тизимли равишда образ яратилишига сабаб бўлади. Натижанда ушбу мисралар бадий мулоқот воситасига айланади. Масалан, А. Орифнинг “Фожи” шеъридан қуйидаги парчани кўрамиз.

Наҳот ўтган умр буткул ҳавойи,

ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR

info@bestarticle.uz

<https://sites.google.com/view/imxu/>

**BEST ARTICLE
RESPUBLIKA ILMIY –
ONLAYN
KONFERENSIYASI
2022**

Наҳот кўрганларин барчаси сароб.

Наҳот этмиш тўрт йил сиғинган жойи

Манфур манзил бўлса жирканч ва хароб.

Бу ерда кекса жангчининг ўй-хаёллари тасвирланган. Ўз кўксини тўлдириб турган медаллар унга бошпана бўлолмади. Унинг кечаги куни қанчалик қоронғу бўлса, келажаги ҳам ҳеч қандай нур таратмаяпти. Жангчи шаҳид бўлган дўстларига ҳаваси келади. Мардларча жон беришни хоҳлайди, чунки унинг тириклиги азоб, тирик турган чоғида умринининг оёқости бўлганлигини кўриб кийналади.

Бу ерда кўчимнинг бирон-бир тури яққол кўзга ташланмайди. Диққатни тортидиган жойи ҳам аслида шунда. Биз ушбу жараёнда шахс-сон қўшимчаларининг қўлланилишига қараб фикр қаратилаётган образнинг кимлигини тушуниб олишимиз мумкин. Бадиий образ ифодалаш керак бўлган образлар шахс-сонга кўчиши орқали у бажарадиган вазифа ҳам кўчиб борапти. Сўз орқали кўчим ҳосил қилиш ҳолларига нисбатан ушбу жараён анча мураккаб, чунки тадқиқотчи сўзга эмас фикрни қўшимчага қаратиш керак. Ижодкор ритмни бузмаслик ва туроқлар сонини тўғри чиқариш билан бир каторда аноним тушунчани ҳам ҳосил қилиши мумкин бўлади. Ўзи тасвирланмаган образнинг туйғуларини сезишга кенг йўл очилади. Бу ерда шакл ва мазмун ўзаро диалектик алоқага киришади, бир-бирини тақазо қилади, бир-бирини тўлдиради, бир-бирига таъсир қилади, ўз ўрнида

ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR

info@bestarticle.uz

<https://sites.google.com/view/imxu/>

**BEST ARTICLE
RESPUBLIKA ILMIY –
ONLAYN
KONFERENSIYASI
2022**

Кўчимлар ҳам бир-бирига ўтади. Шакл кучлилиқ қилиб катта ҳажмдаги ишни бажаради ва кўчимни ҳам ортидан эргаштиради. Мазмун эса ўзгарувчанлик хусусиятидан келиб чиқиб ўз ичида кўчим ҳосил қилади. Умуман олганда шакл воқеанинг биз кўриб турган банднинг биз кўриб турган, ҳис қилаётган томони ва айнан у бизга ўша нарсанинг нималигини кўчим орқали мазмун-моҳиятини аңлатади. Мазмун муайян шаклдагина яшайди, шаклсиз мазмун бўлмаганидек, мазмунсиз шакл ҳам мавжуд эмас. Шундай қилиб кўчимнинг кўшимчага кўчиши мазмун ва шакл ҳақидаги қарашларга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Мақоламиз мустақиллик давридаги бадиий кўчимларни таҳлил қилишга қаратилган экан, бу жараён бизни кўчимнинг муҳим турларидан бири тасвирий ифодага етаклаб келади.

Тасвирий ифодалар – предмет, воқеа ва ҳодисаларини ўз номи билан эмаслаб балки уларнинг характерли белги хусусиятларини тасвирий ифодалаш жараёнидир. Масалан, бахт ва шодлик куйчиси – Ҳ. Олимжон, Ҳасан кўзгуси – газета сингари. Мустақиллик даври шоирлари ҳам ўз шеърларининг жозибасини ошириш мақсадида тасвирий ифодалардан кенг фойдаланадилар. Бу орқали шеър таркибида услубий восита сифатида нутққа кўтаринкилик, образлилиқ бахш этадилар.

Айни пайтда илҳом самараси ўлароқ дунёга келган бундай кўчимлар тилимизнинг луғат таркибини бойитишга ҳам хизмат қилади. Масалан, А. Ориповнинг “Дорилфунуним” шеърдан куйидаги парчани кўрамиз.

ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR

info@bestarticle.uz

<https://sites.google.com/view/imxu/>

**BEST ARTICLE
RESPUBLIKA ILMIY –
ONLAYN
KONFERENSIYASI
2022**

Демакки, падарсан менга меҳрибон,

Демакки, онамсан, ёп-ёруғ куним.

Мададим теголса сенга бирор он,

Бахтли бўлар эдим дорилфунуним.

Шоир нутқ жараёнида билим даргоҳига универтетим деб айтмай дорилфунуним деб ифодалаш иш таркибидаги сўзларни такрорлардан, кайтариқлардан қочиш учун имконият яратиб беради. Бу жараёнда сўзловчининг сўзамоллигини юзага чиқаради ва тингловчини фалсафий мушоҳада этишга чорлайди. Университет эмас дорилфунун лексемасининг қўлланилиши орқали шоир кўнглига тугиб қўйган хусусиятларни бўрттириб, изоҳлаб ва тўлдириб кўрсатишда муҳим нутқий восита сифатида фойдаланади. Худди шу хусусиятдан келиб чиқиб сўз маънолари кўчади, кенгайди, тораяди ва ўзи тасирчан қилиб бериши мумкин бўлган маънони юзага чиқаради.

Сўз маъноларининг кенгайиши ва кўчим ҳолатида қўлланилиши тилнинг, айниқса, луғат таркибининг бойлигини оширувчи омиллардан бирidir. Сўзларни кўчма маънода тасвирий ифодалар орқали қўллаш луғат бойлигини кўрсатувчи, услуб равонлиги, ифода мазмундорлигини таъминловчи, образлилик яратишга хизмат қилувчи муҳим воситадир.

Тасвирий ифодалар нутқ жараёнига тайёр ҳолда олиб кирилиши тил эгалари хотирасида имкон қадар сифатли сақланиб қолиш хусусиятидан келиб чиқиб

ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR

info@bestarticle.uz

<https://sites.google.com/view/imxu/>

**BEST ARTICLE
RESPUBLIKA ILMIY –
ONLAYN
KONFERENSIYASI
2022**

барқарор бирикмалар таркибига киради. Лекин тасвирий ифодалар маъно бутунлиги жиҳатидан турличадир. Яни юз йиллар давомида фақатгина бир маънони; ифодалаб келган тушунчалар билан бир қаторда, қизгин ижод жараёнида ўз-ўзидан пайдо бўлиб қоладиган икки гуруҳга бўлинади. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Демак ҳар қандай ижодкор бирор – бир тушунчага нисбатан янгича усулда ёндашса бу тасвирий ифода бўладими? Йўқ албатта, бунда шоир тасвирлаётган тушунча бутун оммга тушунарли бўлиши керак. Маълум бир сўзни ўқиган китобхон фикр мазмуни ҳақида билдиши керак. Ушбу йўналишда биз А.Ориповнинг ижодини ўрганиш жараёнида бир неча тасвирий ифодаларга дуч келдик: истеъдод соҳиблари – талафтли кишилар, афсонавий қуш – Семурғ, Қанотли дўстлар – қушлар, саҳро кемаси – туялар, давлат устунлари – раҳбарлар, мавжудод султони – инсон мўйқалам соҳиби – рассом, Эгам – Худо, қаҳрамон она – ўн ва ундан ортиқ фарзанди бор аёл, оқ олтин – пахта, билим булоғи – китоб, қалам ҳаққи – годларар.

Ушбу тасвирий ифодаларнинг шеър таркибида келиши А. Ориповнинг ижодини юксакка кўтарган омиллардан бири эканлиги шубҳасиз. Сўзни тўғри ифодалаш орқали кўчим ҳосил қилиш шоирнинг маҳоратига боғлиқ эканлигини англашга хизмат қилади.

Кўчимлар албатта юзага келиш жараёнида ўзига хос бўлган йўлни босиб ўтади. Кўчимлар баъзан сўзловчининг фикри бошқаларга эмасалан айнан нуқта қаратилаётган кишига етиб бориши учун хизмат қилади. Шундай кўчимлар борки булар фақатгина маълум бир гуруҳда қўлланилади ва ўша гуруҳ учун хизмат қилади. Бу жараён икки мақсадда юзага чиқади:

ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR

info@bestarticle.uz

<https://sites.google.com/view/imxu/>

**BEST ARTICLE
RESPUBLIKA ILMIY –
ONLAYN
KONFERENSIYASI
2022**

Биринчидан сўзловчи ўзининг ижтимоий мавқеини кўрсатиб қўймоқчи бўлса, иккинчидан фикрини бошқалар тушунмасликлари учун ушбу усулдан фойдаланади. Шунга кўра биз тилшуносликда ушбу йўналишдаги сўзларни қўлланиш доираси чегараланган сўзлар деб юритамиз.

Умумхалқ тилида кенг қўлланиладиган ва шу тилда сўзловчиларнинг барчаси учун тушунарли бўлган сўзларга қўлланилиш доираси чегараланмаган сўзлар дейилади. Улар нейтрал лексика атамаси билан юритилади. Масалан, нон, сув, ун, дафтар ва бошқалар.

Фақатгина маълум гуруҳ ҳамда маълум бир ҳудуд доирасидагина қўлланиб, умумхалқ тилига хос бўлмаган сўзлар чегараланган сўзлар дейилади. Бундай сўзлар қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

Худудий чегараланган сўзлар (диалектизмлар).

Социал чегараланган сўзлар.

Биз дилмий ишимиз йўналишидан келиб чиқиб социал чегараланган сўзлар шеър таркибида келиши кўчимларни юзага чиқаришига гувоҳ бўлдик. Бунда шоир сўзларнинг янги маънода қўллаш орқали шеърятнинг завқини ва унинг фалсафийлигини оширишга эришади.

Айни пайтда шеър таркибида жаргон, арголарнинг қўлланилиши шоир жуда кўп сўзлар билан ифодамай олмайётган фикрининг ядроси сифатида фойдаланади. Ушбу босқичдан сўнг шеър маъноси буткул ўзгариб кетиши мумкин. Умуман олганда арголар маълум бир касб-хунар билан шуғулланувчи ва дунёқараши тенг инсонлар томонидан ишлатилади.

ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR

info@bestarticle.uz

<https://sites.google.com/view/imxu/>

**BEST ARTICLE
RESPUBLIKA ILMIY –
ONLAYN
KONFERENSIYASI
2022**

Масалан, “отарчилар” доирасида қўлланиладиган сўзлар : якан “пул”, данап “киз бола”. Темирйўл кузатувчилар доирасида қўлланиладиган: сўзлар қайчи “тақришчи”, колхоз “чиптасиз йўловчи”. Кўриб турганимиздек ушбу тушунчалар ўзида жуда катта маънони жамлайди. Яни бу ерда сўзловчи тингловчига юзлаб лексемалар билан тушунтиролмайдиган тушунчани фақатгина биргина лексема ифодалайди. Бунда тингловчи ўша тушунча билан бир қаторда фикр кетаётган ҳодисанинг умумий маъноси ва ҳозирги вазият қандай аҳволда эканлиги, ўзидан нима сўралаётганлиги ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлади.

Худди шундай отарчилар ва темирйўлчилар терминларида бўлгани каби шоирлар ижодида ҳам бундай арголар учраб туради. Худди юқорида айтганимиздек ушбу арголар шоирларнинг умумий фикрини ифодалашга хизмат қилади. Бунда шоирлар нафақат битта сўздан, балки бутун бир мисранинг ўзини ҳам бутун бир арго сифатида келтириши мумкин. Масалан, М.Юсуфнинг “Қирувчи самалётлар” шеърининг охириги бандини мисол қилиб олайлик.

Олимларга не бўлган,

Битмоқда энди сабр.

Физика сен топдингми,

Сен топдингми, Ал-Жабр?..

ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR, TAKLIF VA YECHIMLAR

info@bestarticle.uz

<https://sites.google.com/view/imxu/>

**BEST ARTICLE
RESPUBLIKA ILMIY –
ONLAYN
KONFERENSIYASI
2022**

Шоир бу ўрида Ал-Жабрга мурожаат қилиш орқали аргони юзага келтиради. Математика фанининг даҳоси Ал-Жабр мураккаб қурулмаларни яшаш учун асос бўлган математикаси ёвузлик йўлида ишлаётганига ишора қилади. Ал-Жабр математикаси фақатгина эзгулик йўлида саноат, ишлаб чиқариш йўлида хизмат қилиши кераклиги шартлигини таъкидлайди. Лекин ушбу шеърда қирувчи самолётлар коинотдан туриб инсонлар бошига бало солаётганлигини қайғу билан ифодалайди. Шоирнинг Ал-Жабрга мурожаат қилишида эса математиканинг узоқ тарихи ва у нима мақсадда яратилганлигини ифодалайди. Буни арго деб ҳисоблашимизга сабаб эса, математикани чуқур биладиган инсонлар буни тушуниши мумкинлигини аниқлайди. Шоир шеър давомида қирувчи самолётларга “Кўкдаги калхатлар”, “Бегу йғу: ниятлар”, “Кўзёшу кулфатлар”, “Янги қорахатлар” деб мурожаат қилади. Бу ҳам умуман олганда аргонинг юзага чиқишига сабаб бўлади. Чунки уша давр кишиси буни яққол тушунган. биз ушбу мисолларнинг арго эканлигини А. Нурмоновнинг куйидаги фикри орқали исботлашимиз мумкин. “Айрим арголар умумтил лексикасидан олинади. Бундай вақтда бу сўзлар умумтилдагига нисбатан бошқа маънода қўлланади”.

Хуллас, шеър жараёнида арголарнинг қўлланилиши шеърдан англашилиши керак бўлган асосий фикрни ифодалашга хизмат қилади. Бу эса сўзни тежаш ва нутқни такрордан халос қилиш вазифасини бажаради.

ИФОДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

**ILM – FAN TA'LIMDA INNOVATSION
YONDASHUVLAR, MUAMMOLAR,
TAKLIF VA YECHIMLAR**

info@bestarticle.uz

<https://sites.google.com/view/imxu/>

**BEST ARTICLE
RESPUBLIKA ILMIY –
ONLAYN
KONFERENSIYASI
2022**

Д. Куронов “Адабиётшунослик луғати” Тошкент “Академнашр”–2010

М. Юсуф “Сайланма” Тошкент “Шарқ” – 2007

А. Орипов “Танланган асарлар” Тошкент “Ғ. Ғулом” – 2001

Х. Волгабоев “Адабиёт энциклопедияси” Тошкент “Мумтоз сўз” – 2015